УДК: 821.512.133’02 (092)Навоий
УДК: 891.708

“ҲАЙРАТУЛ АБРОР”ДА “СИДҚ” КОНЦЕПЦИЯСИ

Ғ.О. Бобожонов

Мақолада “балоғат илми”даги “сидқ” (истина) тушунчаси, унинг асосий хусусиятлари ва мезонлари ҳақида сўз юритилган. Бадиий асар яратиш ва уни ўрганишда “сидқ” тушунчасининг аҳамияти очиб берилган. “Ҳайратул аброр” достонидаги бу тушунчага оид фикр-қарашлар келтириб ўтилган. “Сидқ” олий реализмнинг асоси экани мисоллар воситасида далилланган. “Воқелик – бадиий матн – муаллиф ишончи” ўртасидаги узвий мувофиқлик асарнинг концептуал пишиқлиги, замон ва макон синовларига бардошлилигини таъминлаши очиб берилган.

Калит сўзлар: *“балоғат илми”, “маоний”, “хабар-жумла”, “иншо-жумла”, “сидқ”, “кизб”, “воқеликка мувофиқлик”, “муаллиф позицияси”.*

В статье представлено понятие “сидқ” в “илми балога”, его основные особенности и критерии. Определено значение понятия “сидк” как в процессе создания произведения, так и в его изучении. Приведены взгляды Алишера Навои об этом, отраженные в дастане “Хайратул аброр”. На основе примеров показано, что “сидк” является ядром “высшего реализма”. Установлено, что взаимодействие и гармония между составляющими “реальность - литературный текст – вера автора” обеспечивает концептуальную цельность произведения, его долговечность.

Ключевые слова: *наука балагат, маони, “предложение-информация”, “предложение-сочинение”, истина, ложь, соответствие реальности, позиция автора.*

“Балоғат илми”да ҳар қандай гап мақсадни ифода этиш йўсинига кўра “хабар” ёки “иншо” характерига эга бўлади деб қаралади. Маълумот берувчи жумла “хабар”, қолган барча мазмунларни ифодаловчи жумлалар “иншо” сифатида қаралади. “Хабар-жумла”нинг маълумот беришда “рост” ёки “ёлғон”ни ифода этиши эътиборли хусусиятлардан биридир. “Иншо-жумла” эса “рост” ёки “ёлғон”лик талабини қўйиш мумкин бўлмаган гапдир. Ўзбек тилидаги сўроқ, буйруқ, ундов, ҳисҳаяжон гаплар билан бир қаторда тилимизда алоҳида тасниф этилмайдиган “илтижо”, “умид”, “илтимос”, “дуо” каби мазмунни ифодаловчи гаплар “балоғат илми”да “иншо-жумла” сирасига киритилади [1. Б. 47].

“Хабар-жумла” орқали етказилаётган маълумот шунчаки жўнгина “рост” – “ёлғон”га ажратилиши, “балоғат илми” олимлари нуқтаи назарига кўра етарли эмас. Бу икки жиҳатга “балоғат илми” мутахассислари концептуал аҳамиятга эга тамал тушунча, бир қанча назарий критерийларни ўзида жамлаган илмий истилоҳ сифатида қарашади. Етказилаётган маълумотнинг тўғрилиги (“сидқул хабар”) масаласи “балоғат илми”нинг асл моҳиятини белгилашда етакчилик қилади.

“Балоғат илми” бир бутун тизимга солиниб, алоҳида мустақил фан сифатида ўрганилган “Мифтоҳул улум” (муаллифи Абу Яъқуб Юсуф Саккокий) асарининг изоҳли қисқартмаси сифатида ёзилган Жалолиддин Муҳаммад ибн Абдураҳмон Қазвинийнинг “Талхисул “Мифтоҳ” китоби бу соҳадаги энг эътиборли манбалардан биридир. Унда муаллиф, асосан, “Мифтоҳул улум”да келтирилган илмий қарашлар хусусида фикр юритса-да, Саккокий китобига кирмаган, лекин ўзигача яратилган “балоғат илми”га оид бошқа китоблардан ҳам кенг истеъфода этган. Мазкур асарда “хабар-жумла”нинг “рост” – “ёлғон”лик хусусиятларини белгилаш ҳақида аниқ назарий критерийлар кўрсатиб ўтилган. Жумладан, “Сидқул хабар”, – деб ёзади муаллиф, – (келтирилаётган маълумотнинг асл) воқеликка мувофиқ келишидир. “Кизбул хабар” эса (келтирилаётган маълумот ва асл) воқелик ўртасида мувофиқликнинг йўқлиги” [1. Б. 48].

Бу фикр “хабар-жумла”даги “сидқ”ни, юқорида айтиб ўтилганидек, жўнгина “ростлик” деб тушуниш етарли бўлмаслигидан далолат беради. Яъни, хабардаги “сидқ” аввало гапда етказилаётган маълумотнинг мавжуд воқеликка айнан мувофиқ бўлишини назарда тутади. Маълумот ва воқелик ўртасида мувофиқлик бўлмаса, бундай гап “ёлғон”га асосланган мағзи пуч ва эътиборсиз жумлага айланади. Муаллифнинг поэтик концепцияси “сидқ” тушунчасидан холи бўлса, бундай бадиий асар балоғат мезонларига кўра ҳеч қандай жиддий аҳамиятга эга бўлолмайди. Ундаги “сидқ”сизликни, аввало, асар воқелигининг ўзи (бадиий асар контексти) кўрсатиб беради. Муаллиф концепцияси, бадиий асар сюжети, композицияси, персонаж яратиш услуби, портрет, бадиий деталь

қўллаши ва диологларда бир-бирини инкор этувчи бир қанча номувофиқликлар кўзга ташланади. Натижада бундай асарлар поэтик жиҳатдан юксак ва мустаҳам бўла олмайди.

Бадиий асардаги поэтик узвийликни айни шу омил – “сидқ” тушунчаси ушлаб туради. Ҳар қандай матн “сидқ” асосига қурилмас экан, фойдали матн сифатидаги аҳамиятини йўқотади. Буни теран англаб етган мумтоз адабиётимиз намояндалари ўз асарларида ҳамиша “балоғат илми”даги “сидқ” тушунчасига қатъий амал қилишган. Бинобарин, “сидқ” тушунчаси бадиий асарнинг юксак моҳиятини кўрсатиш билан бирга, унинг исталган замон ва макон ўлчовларига ҳам бардошлилигини таъминлайди. Хусусан, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Носириддин Рабғузий, Алишер Навоий, Сўфи Оллаёр каби кўплаб мумтоз адиблар асарларининг концептуал пишиқлиги, асрлар оша яшаб келаётгани ҳамда такрорланмас даражадаги поэтик юксаклиги “балоғат илми”даги “сидқ” тушунчасига қатъий асосланган билан белгиланади.

Туркий адабиётнинг буюк вакили Алишер Навоий асарлари пойдевори ҳам айни шу тушунча негизига қурилган. Айниқса, ҳар қандай замон ва макон ўлчовлари талабига мувофиқ келадиган, умумбашарий миқёсда яратилган “Хамса” асарида бу ҳолатни яққол кузатиш мумкин. “Хамса”даги “муаллиф бадиий концепциясини акс эттирувчи композицион қолип” [2. Б. 42] вазифасини бажарган “Ҳайратул аброр” достонида “балоғат илми”-даги “сидқ” тушунчаси ўзига хос поэтик тарзда акс эттирилган.

Алишер Навоий ўз даврининг барча илмларини пухта ўзлаштиргани ҳақидаги маълумотлар турли манбалар орқали бизгача етиб келган. Хусусан, Навоий асарларида “Мифтоҳул улум”, “Талхисул “Мифтоҳ” [3. Б. 249] каби “балоғат илми” ҳақида маълумот берувчи фундаментал манбаларнинг тилга олиниши, “балоғат”, “фасоҳат”, “маоний”, “иъжоз”, “мажоз” каби шу илмга оид илмий истилоҳларнинг акс этиши мазкур муаллифнинг бу илмдан етарли даражада хабардор бўлганини асослайди. Шунингдек, “балоғат илми” Навоий яшаган давр – XV аср анъанавий таълим тизимида энг етакчи илмлардан бири саналган. Навоий асарлари моҳиятига назар ташлаш муаллифнинг ҳар бир асари бу илмлар асосида шакланганини тасдиқлайди.

Алишер Навоий илоҳий маърифат ҳамда асл амални рост сўз деб билган [2. Б. 90]. Шунга кўра, унинг асарлари негизидаги “сидқ” ҳам биринчи галда илоҳий маърифатга асосланади. Хусусан, “Хамса”нинг илк байтиданоқ муаллиф ўз поэтик концепциясини илоҳий манбадан келтирилган иқтибос устига қуриш йўлидан боради. Мазкур илоҳий манба Шарқ – ислом тафаккурида ёлғон эҳтимолидан батамом холи матн сифатида эътироф этилади. Навоий ва барча мумтоз адиблар ижодида “сидқ” тушунчаси бевосита ана шу “асл манба” билан узвий боғлиқдир. Мумтоз ижодкор бадиий асар яратишда ёлғон эҳтимоли бўлмаган “асл манба”га бевосита ёки билвосита таяниш орқали ўз асаридаги “сидқ” концепциясини таъмин этади. Юқорида таъкидланганидек, “Хамса”нинг композицион қолипловчи достони – “Ҳайратул аброр”ни қолган тўрт достон билан солиштирганда “сидқ” концепцияси асар бадиий уйғунлигига асос бўлгани аёнлашади.

“Ҳайратул аброр”да муаллиф таянган асосларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Оят ва ҳадислардан “иқтибос”лар ёки уларда назарда тутилган маънолардан ўзлашмалар.

2. Ислом олимлари оят ва ҳадислар асосида тартиб берган ақоид, фиқҳ илмига оид масалалар.

3. “Руҳий тарбия” илми устозлари оят ва ҳадислар асосида ишлаб чиққан инсоний фазилат ва иллатлар ҳақидаги илмий-адабий қарашлар.

4. Ўзигача яшаб ўтган тарихий шахслар ва бўлиб ўтган тарихий воқеалар.

5. Муаллифнинг ўзи гувоҳ бўлган воқеа-ҳодисалар ҳамда замондошлари ҳаётига оид лавҳалар.

6. Халқ орасида машҳур тамсилий ҳикоятлар.

Достонда оятлардан келтирилган иқтибосларни муайян адад билан чеклаш имконсиз. Боиси, достондаги ҳар бир фикр, албатта, қайсидир оятнинг айни ўзига ёки унинг маъно кўламидаги бирон жиҳатга асосланади. Шунга кўра, асардаги оят асосли “иқтибос”ларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

I. Оятларни тўлиғича келтириш;

II. Оятларнинг бир қисми, айрим бирикмалари ёки сўзларидан фойдаланиш;

III. Оят маъноси ёки тафсирига оид маъновий “иқтибос”лар қўллаш.

“Балоғат илми” олимлари матнда Қуръони карим оятларидан кўчирма (“иқтибос”) келтиришнинг ўзига хос шартларини таъкидлаб ўтишган. Атоуллоҳ Ҳусайнийга кўра, “иқтибос машҳур қавлга кўра Қуръон ва ҳадисдан бир нимани анинг Қуръон ё ҳадисдин олинғанига ишора бўлмаған тарзда каломға киритмактин ибораттур...” [4. Б. 242]. Яъни, оятдан келтирилган кўчирма айнан қаердан (қайси манба, қайси сура ва нечанчи оятдан) олинаётгани ҳақида маълумот берилмасдан буларнинг барчаси ўқувчининг ҳукмига – илми, топқирлиги, фаҳм-фаросати ва зеҳнига ҳавола қилиниши назарда тутилган. “Балоғат илми”нинг барча олимлари якдил фикрига кўра, оятдан келтирилган кўчирмалар “иқтибос” деб қаралади. Ҳадисларнинг аниқ миқдорининг ноаниқлиги са-

бабли уларни тўлалигича ҳифз қилишнинг мушкуллиги, қолаверса, ҳадислар “мусталаҳул ҳадис” илмида турли даражалар (саҳиҳ, мутавотир, машҳур, оҳод, мавзу кабилар)га тақсимланиши нуқтаи назаридан уларга “иқтибос” сифатида қараш-қарамаслик масаласида “балоғат илми” олимлари ўртасида турли баҳслар мавжуд. Масалан, Аллома Саъдуддин Тафтазоний (XIV аср) фақат оятлардан келтирилган кўчирмаларгагина “иқтибос” сифатида қараган [4. Б. 243].

Оятлардан тўлалигича келтирилган кўчирма – “иқтибос”лар “балоғат илми”да “дарж” деб юритилади. “Ҳайратул аброр”да турли муносабатлар билан келтирилган бундай “иқтибос”ларни кўп учратиш мумкин. Юқорида таъкидланганидек, асарнинг илк мисраси ҳам худди шундай “иқтибос” билан бошланади. У ижодкорнинг поэтик ижоддан кўзда тутиладиган концептуал мақсадини ўзида акс эттиришга хизмат қилади.

“Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм”,

Риштаға чекти неча дурри ятим” [5. Б. 3].

Асарда илк байт поэтикаси алоҳида марказий тезис ҳамда қолипловчи аҳамият касб этади. Шу сабабли бу байт ҳақида батафсил тўхталиш алоҳида тадқиқот мавзусидир. Бу ўринда биз асардаги бир бутун тизим “басмала” тезиси устига қурилганини айтиш билан кифояланамиз. Достоннинг бир қанча ўринларида “Явмаизин ма холақоллоҳу фиҳ”, “Явма яфиррул маръу мин ахиҳ”, “Саббиҳ исма роббикал аъла”, “Вазкур исма роббика ва табаттал илайҳи табтила”, “Ирома затил-имадиллати лам юхлақ мислуха фил-билад” каби “иқтибос”лар келтириш орқали муаллиф ўз фикр-мулоҳазаларида қатъий асосларга таянган. Бу билан асарда “сидқ” тушунчаси тўла қарор топишига эришилган.

Шунингдек, муаллиф ўз фикр-мулоҳазаларини далиллаш учун оятларнинг бир қисми, айрим бирикмалари ёки сўзларидан келтирилган “иқтибос”ларга ҳам мурожаат этган. Матндан бундай иқтибосларни топиш ўқувчидан катта уқув талаб қилади. Баъзан достон матнида оят таркибидаги биттагина сўзнинг келиши ҳам муаллиф ўқувчи эътиборини матн қатидаги катта маъноларга қаратаётганидан дарак беради. Мисол учун:

“Карромна” келди маноқиб анга,

“Аҳсани тақвийм” муносиб анга”[5. Б. 8].

Бу байт инсон қандай миссияни бажариш учун яратилгани ва унга юклатилган вазифаларни поэтик ифода этиш асносида келтирилади. Унда “иқтибос”дан фойдаланиш орқали муаллиф назарда тутаётган бир бутун тизимга “сидқ” тамойилига кўра асос қўйилади. Муаллиф юритаётган фикр-мулоҳазалар айнан нимага таянаётгани, бошқача айтганда, муаллиф фикрининг воқеликка қай даражада мувофиқлиги масаласига аниқ ишора бериб ўтилади. Шунингдек, достондаги “Йўл ямону яхшисидин ема ғам, “Бисмиллаҳ”, дегилу қўйғил қадам”; “Ё” била “мим”и қилиб изҳори “ям” Айлагали ғарқаи баҳри карам”; “Сўз “лиманил мулк” ўлуб ул дам анга, Ким ангадур мулк мусаллам анга”; “Зоҳир ўлур “буъсиро ма фил-қубур”, Жилва қилур “ҳуссила ма фис-судур”; “Ноқаси ер узра чу рафтор этиб, Ҳар изи “шаққол-қомар” изҳор этиб” каби байтларда асар контекстидаги воқелик “иқтибос” сифатида келтирилган энг ишончли далилларга таянади.

Асарда муаллиф таянадиган ишончли манбалар фақатгина оят “иқтибос”лардангина иборат эмас. Оятларда келган маъноларни изоҳлашга хизмат қилувчи ҳадислар ҳамда ақидавий-фиқҳий ҳукмлар, руҳий тарбия устозларининг кўрсатма ва тавсиялари ҳам баён қилинган. “Балоғат илми”нинг баъзи олимлари, хусусан, аллома Жоҳиз оят билан бир қаторда ҳадис ва фиқҳий масалалардан келтирилган ҳукмлар ҳам “иқтибос” сифатида қаралиши мумкинлигини билдирган [4. Б. 243]. “Иқтибос” келтиришда Алишер Навоий ана шу илмий қарашга асосланган дейиш мумкин. Навоий асарлари, хусусан, “Ҳайратул аброр”да ҳадис ва фиқҳий масалалар баёни ҳам кўп учрайди. “Асҳобий кан-нужуми”, “ана афсаҳ”, “қод арофа роббаҳу”, “ман салимал муслимун”, “ассовму лий”, “ана ажзий биҳи”, “аддунё мазраатул-ахиро”, “хойрул-умур”, “каззабуна ла умматий” каби ҳадислар асар контекстида муаллифнинг поэтик мушоҳадаларини мустаҳкам асосларга таянганини ифодалаш вазифасини бажарган. Шунингдек, достоннинг XXII бобидаги “Аввалғи мақолот”ида ақидавий масалалар, XXIV бобида келтирилган иккинчи мақолотда бир қанча фиқҳий масалаларнинг поэтик ифодаси акс эттирилган. Қолган мақолотларда “руҳий тарбия” илмига оид юксак инсоний фазилатларнинг поэтик талқини оят ва ҳадислар доирасидаги мушоҳадалар билан баён қилинади. Асарда келтирилган ҳар бир боб мавзуси “иқтибос”лар далолатига таянади. Ҳатто боблар орасида келтирилган ҳикоятларда ҳам аксарият ҳолларда конкрет тарихий шахслар ҳаётидаги бирон воқеа қаламга олинган. Достоннинг боблар орасида келадиган ҳикоятлар қисмидан Баҳоуддин Нақшбанд, (Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий,) Айюби Халаф, Иброҳим Адҳам, Робиа Адавийя, Боязид Бистомий, Баҳром Гўр, Абдуллоҳ Ансорий, Искандар, Ҳотами Тойи, Анушервон, Темур Кўрагон, Шайх Ироқий, Фахриддин Розий, Муҳаммад Хоразмшоҳ, Ёқут, Маймана–Ринд Бани Исроилий, Абдуллоҳ Муборак, Ҳасан Рабиъ, Зайнул Обидин, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Абу Наср каби реал тарихий шахслар ҳақидаги ҳаётий воқеалар ўрин олган. Муаллиф буларни ёритишда ўзигача яратилаган тарихий асарлар,

тазкиралар ҳамда манoқибларга таянган. Ҳикоятлардаги воқеалар тарихий ҳаётий воқеликка айни мувофиқ эканини Навоийгача яратилган асарлар далиллайди. Шунингдек, асардаги Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Бадиуззамон Мирзо ҳақидаги қисмлар эса бевосита муаллифнинг ўзи гувоҳ бўлган воқеликнинг поэтик инъикосидир. Муаллиф достоннинг икки бобида асосий фикрга мисол тариқасида мажозий-тамсилий ҳикоятни келтириб ўтган. Булар достоннинг XLI бобидаги шер билан дуррож ҳамда LVII бобдаги Чин мулкидаги нозанин ҳақидаги ҳикоятлар бўлиб, анъанада мавжуд бўлган ҳамда муаллифнинг янги талқини билан асарга киритилган ҳикоятлар ҳисобланади. Бу ҳикоятлар ҳам достондаги умумий композицияга айни мувофиқ тарзда баён қилинган. Унинг асосида ҳақиқатни мажоз воситасида ифодалаш туради. Маъно тўғридан-тўғри, очиқ равишда эмас, мажоз ва тамсил воситасида ҳақиқатга бориб туташади. Шу жиҳатдан бу икки ҳикоят ҳам ўзида “сидқ” тушунчасини тўла ифода этган дея оламиз.

Юқорида таъкидланганидек, асарда ифодаланган “хабар” билан воқелик ўртасида мувофиқлик бўлмаса, буни асар контексти яққол кўрсатиб туради. Унинг воситасида асардаги уйғунликни таъминлаб турган бир бутун тизимда узилишлар сезилади.

Маълумотнинг воқеликка мувофиқлиги “сидқ” тушунчасининг биринчи критерийси бўлса, унинг яна бир хусусияти “Талхис”да шундай кўрсатиб ўтилган: “Яна айтиладики, хабарнинг тўғрилиги (“сидқул хабар”) хабар берувчининг – агар у тўғри эътиқодда бўлса, эътиқодига ҳам мувофиқ бўлиши зарур. Нотўғри эътиқоддаги хабарчининг етказган маълумоти воқеликка зид (бўлиши мумкин)” [1. Б. 48].

“Балоғат илми” олимлари бу билан “сидқ” гап ва воқелик ўртасидаги мувофиқликни ифодалаш билангина тугал бўлмаслигини таъкидлашган. Берилаётган маълумот (“хабар-жумла”) воқеликка мувофиқ бўлиши билан бир қаторда муаллиф қалбидаги қатъий ишончга ҳам мослиги масаласини асосий шартлардан бири қилиб қўйишган. Бу ўринда муаллифнинг позицияси муҳим аҳамият касб этади. У нимани тўғри деб тушуниши яратаётган поэтик асари учун улкан аҳамиятга эга. Унинг ишончи умумбашарий эзгу ғоялар ва инсониятнинг умумэътироф этилган юксак эстетик идеалларига асосланса, бадиий ижоддаги ҳар бир элемент ана шу призмадан ўтказилиб ифода этилса, уни асар контексти ҳамда бошқа қатъий далиллар инкор эта олмаса, бу муаллиф ўзи учун ҳаётда ва ижодий жараёнда бир бутун мустаҳкам ва тўғри услубни танлай олганидан далолат беради. Алишер Навоий ижодида бу услуб ҳеч шак-шубҳасиз, олий реализм услубидир [2. Б. 44]. Унинг асосини “балоғат илми”даги “сидқ” тушунчаси ташкил қилади.

Баъзан Шарқ-ислом адабий муҳитига мансуб айрим адиблар ижодида муаллифнинг эътиқодий позицияси ҳамда асар контексти орасида айрим номувофиқликлар кўзга ташланади. Бундай ўринлар айнан “балоғат илми” мезонларига солинганда очиқ кўринади. Айниқса, собиқ совет даврида тайёрланган нашрларда бундай тафовут ва қусурлар яққол кўринади.

“Ҳайратул аброр” достонининг турли йиллардаги нашрларини кузатганда худди шундай баҳсли ўринларга дуч келамиз. Хусусан, Алишер Навоийнинг 20 томлик мукаммал асарлар тўпламидан ўрин олган “Ҳайратул аброр” достонининг III бобида қуйидаги байт келтирилган:

“Маърифатинг ким қила **олмай** сифат,

Қилдинг ани орифи ул маърифат” [6. Б. 21].

Бу байт “Аввалғи муножот” бобида зикр этилган. Шарқ-ислом поэтик тафаккурида “муножот” асарнинг Яратувчига бағишлаб ёзилган қисмларини ифода этади. Унда муаллифнинг Яратганга дуо ва илтижолари акс этади. Ислом ақидасига кўра, “бирон нарсани қила олмаслик” нисбатини Яратувчига бериш мутлақо мумкин эмас. Алишер Навоий мазкур асарнинг бир неча ўринларида Оллоҳни мутлақ ҳукм соҳиби, барча нарсага қодир Зот сифатида эътироф этади. Лекин юқоридаги байт контексти англатаётган “Оллоҳ ўз маърифатини сифатлашга қодир эмас”лиги ҳақидаги “хабар-жумла” Навоийнинг “сидқ” концепциясига мутлоқ зид маънони ифодалайди. Муаллифнинг мустаҳкам эътиқодий позициясини шубҳа остига қўяди. Асар умумконцепциясини ёлғонга чиқаради. Бу эса нафақат “Хамса” ёки “Ҳайратул аброр” контексти, балки Алишер Навоий ижоди учун мумкин бўлмаган ҳодисадир.

Хўш, унда муаммо нимада?

Гап шундаки, мазкур масалани ойдинлаштириш учун аввало асарнинг матний муаммоларини бартараф этиш зарурати туғилади. Боиси, агар муаллиф позицияси “сидқ” тушунчаси нуқтаи назаридан номувофиқлик иллатидан холи бўлса, бу иллат асарни кўчирган котиб ёхуд ноширга хос бўлади. Контекстда аниқланган “кизб” эса муаллифга алоқадор бўлмай, “оризий” – муаллиф матнида “кейинчалик пайдо бўлган” иллат саналади.

Дарҳақиқат, асарнинг илмий-танқидий матнига мурожаат қилиш орқали ушбу иллатнинг “оризий” эканини яққол кўриш мумкин. Унда ушбу байт қуйидагича келтирилган:

“Маърифатингким қила **олмон** сифат,

Қилдинг ани орифи ул маърифат”[5. Б. 8].

Ўнга яқин қўлёзма манбаларни бир-бирига солиштириш орқали яратилган илмий-танқидий

матндаги “олмон” сўзи замонавий нашрда “олмай” тарзида берилиши матнда муаллиф позициясига буткул номувофиқ бўлган жиддий иллатни юзага келтирган. Масаланинг жиддийлиги шундаки, бу ҳолат ўқувчида буюк адиб Алишер Навоийнинг мустаҳкам ва соф эътиқодий позицияси хусусида хато хулоса чиқаришга сабаб бўлади.

“Сидқ” тушунчасидаги изчил мувофиқликни йўққа чиқарувчи бундай “оризий” матний иллатлар “Ҳайратул аброр”нинг турли йиллардаги бошқа нашрларида ҳам учраб туради. Уларда матний чалкашликлар туфайли муаллифнинг эътиқодий позициясини қўпол равишда бузиб кўрсатилишининг гувоҳи бўламиз. Бундай хатоларни “иқтибос”ларнинг ўзгартирилиши (“карромна” ўрнига “каррамана”, “бисми” ўрнига “бийсми”); шаръий қоидалар ва ҳукмларнинг бузиб талқин қилиниши (рўзадорнинг ақл ишлатмаслиги ҳақидаги масала); хронотоп шаклини ифодаловчи айрим сўзларнинг чалкаштириб юборилиши (“адам гулшани” ўрнига “дам гулшани”, “хум боши” ўрнига “хам боши”) кабиларда ҳам кўриш мумкин. Аммо муаллиф матнида турли сабаблар билан кейинчалик пайдо бўлган бундай матний иллатлар муаллифнинг эмас, матнни нашрга тайёрлаган “мутахассислар”нинг хатосидир.

Реал воқеликда “сидқ” сифатида қаралмайдиган яна айрим жиҳатлар борки, улар бадиий асар контекстида “сидқ” характерига эга бўлади. Бунга “Ҳайратул аброр” матнидаги юқорида санаб ўтилган шер билан дуррож ҳақидаги ҳикоятни мисол қилиш мумкин. Бу ўринда ҳақиқат очиқ-ойдин ва тўғридан-тўғри эмас, билвосита мажоз йўли орқали тасвир этилган. Балоғат олимлари фикрига кўра, мажоз ҳақиқатнинг маълум бир жиҳатини ўзида акс эттирувчи кўчма омилдир [1. Б. 149]. Унга кўра, бадиий матндаги ҳар қандай мажоз муайян йўллар билан ўзида, албатта, ҳақиқатнинг бир қисмини ифода этиши шарт. Агар мажозни ҳақиқатга боғлаб турувчи восита-жиҳат бўлмаса, у ҳақиқатни ўзида ифода эта олмагани сабабидан мажозлик мақомига эга бўлолмайди. Матндаги бундай унсурга фақатгина “кизб” (“ёлғон”) сифатида баҳо берилади.

Бадиий адабиётдаги мажоз ўзида ҳақиқатни ифода этиши билан эътиборлидир. Бу борада Алишер Навоий ўз мулоҳазасини қуйидагича баён этган:

“Сўз аро ёлғон киби йўқ нописанд,
Айлар анинг назмини доно писанд” [5. Б. 34].

Байтдаги “назм” воситасида сўзнинг бадиий адабиётга айланиши назарда тутилмоқда. Бадиий асардаги поэтик ижод маҳсули реал ҳаётда аслида ёлғон сифатида қараладиган ҳодисани мажоз йўли билан ҳақиқатнинг хабарчиси тарзида тасвирлайди. Бу эса бадиий матн контекстида бўлгани сабабли ёлғон эмас, маънонинг кўчиш усули сифатида намоён бўлади. Бадиий адабиётдаги образ ва образлилик ҳодисаси шу билан изоҳланади. Демак, бадиий асар контекстида мажоз воситасида келтирилган ҳақиқат ҳам ўзида “сидқ” тушунчасини тўла ифода эта олади. Бадиий адабиётниг асл моҳияти ҳамда ижодкорнинг поэтик маҳорати айни шу ҳодиса, реал воқеликни қай даражада поэтик тафаккур маҳсулига айлантира олиши билан белгиланади. Навоий ижоди, хусусан, “Хамса”даги бир қатор образлар ҳамда бадиий деталлар тизими “Ҳайратул аброр”да баён қилинган реал воқелик (асл ҳақиқат)ни рамзий-мажозий, тамсилий ифодаси тарзида намоён бўлган.

“Балоғат илми”да сидқ тушунчаси ва унинг асосий критерийларини Алишер Навоий ўз илмий қарашлари билан ифода этади. Баъзи ўринларни мулоҳазалар билан тўлдиради. Ҳазрат Навоийга кўра, “сидқ” ва “кизб” масаласи аҳамиятсиз мавзу эмас. У нафақат бадиий асарни ҳатто инсон ҳаёти моҳиятини белгилашда ҳам муҳимдир:

“Эгрию туз васфи муҳаққақ дурур,
Ботил эрур эгрию туз ҳақ дурур” [5. Б. 121].

Демак, бу фақат “эгрию туз” масаласи эмас, ҳақ ва ботилни таниш, фарқлаш ҳамда ажратиш баҳсидир.

“Балоғат илми” олимлари назарда тутган “сидқ” тушунчасини ифода этишдаги “воқелик – сўз – муаллиф ишончи” ўртасидаги уйғунликни Алишер Навоий поэтик тарзда шундай ифода этади:

“Бир буки, туз бўлса кишининг сўзи,
Йўқ сўзиким, ҳам сўзию ҳам ўзи.
Бир буки, ёлғонға таассуф била,
Тўғри дегай сўзни такаллуф била.
Яхшидур аввалғиси худ бегумон,
Лек иккинчиси ҳам эрмас ямон” [5. Б. 121].

Шунингдек, инсоннинг асл моҳияти ҳам тўғрилик, қалбан тўғри ишончга эга бўлиш эканини уқтиради:

“Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Билки, нишоне анга иймон эрур” [5. Б. 59].

Бу байтда Алишер Навоийнинг ҳаётий ва ижодий концепцияси акс этган. Ҳар қандай ижодкорнинг аввало инсон сифатида Навоий назарда тутган “тузлик”ка эга бўлиши, қалби ва барча аъзолари ҳамда бутун фаолиятини ана ўша “тузлик” асосида бунёд этиши унинг чинакам одамлик мақомини белгилаб беради. Бадиий адабиёт эса одамнинг ҳаёт йўлларидаги юзлаб манзил-бекатлардан бири, холос. Ўзи ва сўзини “тузлик” билан безай олган инсон, руҳий тарбия олимлари таъкидлаганидек, тўғриликни тил билан ифода – иқрор қилиш ва қалб билан тасдиқлаш маснадига эришган чинакам “аброр-одам”га айланади. Ҳаётий воқелик ва унинг поэтик инъикоси бўлган ба-

дий адабиётдаги асосий омил – бош мавзу ҳам шу аслида.

“Балоғат илми” олимлари “сидқ” тушунчасининг икки жиҳати – воқеликка ва муаллиф ишончига мувофиқлиги масаласини асосий мезон қилиб олган бўлса-да, Алишер Навоий асарларида матндаги “сидқ” тушунчасига мансуб яна бир жиҳат кўзга ташланади. Бу – воқеликка мувофиқ бўлган ҳар қандай чин сўз нутқ контексти учун дахлдор бўла олмаслигидир. “Хирадманд улдурким, ёлғон демас, аммо барча чин дегулик ҳам эмас” [7. Б. 103-104]. Навоий илгари сурган бу ғоя матндаги аҳамиятли хусусиятлардан биридир. Муаллиф ўзи ифода этмоқчи бўлган воқеликнинг айни қайси жиҳатларини матнда сўз ва гаплар билан ифода этиши, қайсиларини умумий планда тасвирлаши ёки ишора этиши, қисқартириш ва тушириб қолдириш орқали баён қилиши гапнинг умумконтекстдаги мувофиқлигини таъминлайди. Муаллиф матнида ўзига хос “ийжоз” услубини шакллантиради. Бунинг баробарида матн салмоғини кучайтириб, таъсирчанлигини оширади. Муаллифнинг бадиий маҳоратини акс эттириши баробарида ўқувчининг поэтик тафаккурини ўстиришга хизмат қилади. Энг муҳими, реал воқеликдаги инсон идеалига номувофиқ айрим ҳодисаларни бадиий асарда очиқ ва батафсил тасвирламасдан, уларни маҳорат билан четлаб ўтишга асос бўлади.

“Балоғат илми” олимлари “сидқ” тушунчасига фақат “хабар-жумла”га хос хусусият сифатида қараган бўлса-да, уни асардаги барча жиҳатларга татбиқ этиш мумкин. “Ҳайратул аброр”нинг семантик-структурал тузилишида ҳам “сидқ”, яъни воқеликка мувофиқ аниқ ва мустаҳкам асосга таяниш етакчилик қилади. Шунингдек, асар композицияси “сидқ” тушунчаси билан узвий боғлиқ. Достоннинг бошланиши, ундаги мавзуларнинг жойлашуви, кетма-кетликни белгилашдаги концептуал изчиллик, инсониятнинг юксак эстетик идеаллари учун хизмат қилувчи маънавий омиллар ҳақидаги мулоҳазаларнинг поэтик талқини, мулоҳазаларнинг исботи учун жонли – реал ҳаётий мисоллар келтирилиши, ҳар бир бобнинг ўзига хос равишда “тезис-антитезис-синтез” шаклида ифода этилиши каби ўнлаб жиҳатлар шундай хулоса чиқариш учун етарлича имкон беради. Буларнинг барчасида муаллиф шакл ва мазмун жиҳатдан “асл манба”га қатъий таянгани яққол кўзга ташланади.

Юқорида келтирилганлардан хулоса қилиб айтганда, “балоғат илми”даги “сидқ” тушунчаси ҳар қандай бадиий асар учун етакчи аҳамият касб этувчи ҳодисадир. У бадиий асар концепцияси қанчалик эътиборли эканидан дарак беради.

Бадиий асарда “воқелик – бадиий матн – муаллиф ишончи” ўртасидаги узвий мувофиқлик асарнинг концептуал пишиқлигини, замон ва макон синовларига бардошлилигини таъминлайди.

Алишер Навоий ижоди “балоғат илми”даги “сидқ” тушунчаси билан ҳар жиҳатдан мувофиқлик касб этади. Айниқса, “Хамса”нинг композицион қолипловчи достони – “Ҳайратул аброр” “Хамса”даги “сидқ” тушунчасининг асосидир.

“Ҳайратул аброр”да келтирилган муаллифнинг “сидқ”, “кизб”, “эгри”, “туз”, “чин”, “рост”, “тўғри”, “ёлғон”, “ҳақ”, “ботил” ҳақидаги мулоҳазалари “балоғат илми”даги “сидқ” тушунчаси мазмунини янада ойдинлаштиришга хизмат қилади.

Алишер Навоийнинг ўзига хос услуби – олий реализмнинг асосини “балоғат илми”даги “сидқ” тушунчаси ташкил этади. Бу эса Навоийнинг ижодий методи бевосита “балоғат илми” асосида шаклланганидан далолат беради.

Адабиётлар

1. يزنيوزقلا بيطخلا نيدلا لالج نمحرلا دبع نب دمحم. حاتفملا صيخلت . ورييتة ةيرصعلا ةبتكملا. **ص** . ٠٨٢

Хатиб Қазвиний Жалолиддин Муҳаммад ибн Абдураҳмон. Талхисул Мифтоҳ. Байрут, Мактабатул асрийя. 2014. – 280 б.

2. *Жўрақулов У.* Алишер Навоий Хамсасида хронотоп поэтикаси. Филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси. –Тошкент: 2014. – 288 б.

3. *Алишер Навоий*. Бадойиъ ул-бидоя. Мукаммал асарлар тўплами. I том. – Тошкент: Фан, 1987. – 690 б.

4. *Атоуллоҳ Ҳусайний.* Бадойиъу-с-санойиъ. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 398 б.

5. اليشيرنوايى. خمسه. حيرت الابرار . علمى تنقيدى متن. تاشكينت. فن. ٠٧٩١. ب٦٣٢. .

Алишер Навоий. Хамса. Ҳайрат-ул-аброр. Илмий танқидий матн. –Тошкент: Фан, 1970. – 234 б.

6. *Алишер Навоий.* Ҳайрат ул-аброр. Мукаммал асарлар тўплами. 7- том. –Тошкент: Фан, 1991. – 390 б.

7. *Алишер Навоий.* Маҳбуб ул-қулуб. Мукаммал асарлар тўплами. 14 – жилд. –Тошкент: Фан, 1998. – 304 б.

8. *Шарипов З*. Балоғат фани: маоний ва баён. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014. – 296 б.

9. *Давлатов О.* Алишер Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд: 2017. – 46 б.

10. *Исҳоқов Ё.* Сўз санъати сўзлиги. –Тошкент: O‘zbekiston, 2014. – 210 б.

“SIDQ” CONCEPTION IN THE “HAYRATUL ABROR”

G.O.Bobojonov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 1 (45). 78 – 84.
[1]University of Uzbek Language and Literature named after A. Navoi, Tashkent, 100100, str. O’qituvchi, 103 (Uzbekistan). E-mail: interdep@navoiy-uni.uz

Keywords: *“Science of balagah”, “maoni”, “informative sentence”, “composition sentence”, “The truth (сидқ)”, “The falsity (кизб)”, “Confirmity to reality”, “Position of author”.*

The article discusses the notion of “sidq” in the science of balagah, its main features and criteria. The importance of the concept of “earnestness” in the creation and study of fiction is revealed. Alisher Navoi’s “Hayratul abror” also gives an overview of this notion. The fact that “Sidq” is the basis of high realism has been proved by examples. It is revealed that the inextricable coherence between “reality - fiction text - author’s trust” provides the work conceptual durability, time and space testing.

In particular, the “truth” in the message implies that the information provided in the sentence is in accordance with the present reality. While the poetic concept of the author is devoid of the concept of “sidq,” such an artistic work is by no means essential to adulthood. In this work, the plot, composition, the style of the author’s makeover, the use of portraits, artistic details, and a number of inconsistencies in the diologists are evident.

The notion of “ink” not only demonstrates the high essence of a work of art, but also provides its endurance to any measure of time and space. This is the foundation of the works by Alisher Navoi. In the poem “Hayratul abror” the notion of “sidq” is poetic in the science of adulthood.

Scientists of the science of maturity have made the issue of whether the information provided in the correspondence between the “truthful” statement and the truth as true, as well as the credibility of the author’s heart. If the author’s belief is based on universal good ideas and universally recognized aesthetic ideals of humanity, and if every element of artistic creativity is expressed through this prism, it the context and other solid arguments of the work cannot be denied. This indicates that he has chosen a style. This style, as observed in the works of Alisher Navoi, is a method of supreme realism, the basis of which is the notion of “sincerity” in the science of balagah.

The notion of ‘sidq’ can be applied to every aspect of the work. The semantic-structural structure of “Hayratul abror” is also based on a clear and solid foundation in accordance with reality. The composition of the work is inextricably linked to the concept of “sidq”. The beginning of the poem, its location, the conceptual consistency in the determination of the sequence, the poetic interpretation of ideas about spiritual factors serve the highest aesthetic ideals of humanity, the use of vivid and real-life examples for proofs of each chapter. They are sufficient to make such a conclusion.

References

1.Khatib Qazviny Jalaluddin Muhammad ibn Abdurahman. (2014) *Talxisul Miftah* [Short of “The key of knowledge”]. Beirut: Maktabatul Asliyya.

2. Jurakulov, U. (2014) Alisher Navoiy Xamsasida xronotop poetikasi [Chronotop poetry of Khamse by Alisher Navoi]. Dissertation for the degree of Doctor of Philological Sciences (DSc). Tashkent.

3. Navoi, Alisher. (1987) *Badoyi’-ul-bidoya* [The beginning of poetic]. Complete collection of works. 1th. Tashkent: Fan.

4. Atoullah Hussain. (1981) *Badoyi’u-s-sanoyi’* [The beginning of beauty]. Tashkent: Literature and Art Publishing House named after G.Gulyam.

5. Navoi, Alisher. (1970) *Hayrat-ul-abror.* [Amazement of righteous]. Scientific Critical Text. Tashkent: Fan.

6. Navoi, Alisher. (1991) *Hayrat-ul-abror* [Amazement of righteous]. Complete collection of works. 7th. Tashkent: Fan.

7. Navoi, Alisher. (1998) Mahbub-ul-kulub [Beloved of hearts]. Complete collection of works. 14th. Tashkent: Fan.

8. Sharipov, Z. (2014.) Balog’at fani: maoniy va bayon [Science of balagah: Maoni and Badi‘]. Tashkent: Movarounnahr.

9. Davlatov,O. (2017) Alisher Navoiy she’riyatida Qur’on oyatlari va hadislarning badiiy talqini [An artistic interpretation of Quranic verses and hadiths in the poetry of Alisher Navoi]. Dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) in Philology. Samarkand.

10. Iskakov, Y. (2014) So’z san’ati so’zligi [The vocabulary of word art]. – Tashkent: Uzbekistan.

Муаллиф ҳақида маълумот:

БОБОЖОНОВ Ғулом Озодович – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти. E-mail: anzurut@mail.ru